

**“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан  
Ёш мутахассисларни танлаш  
ДАСТУРИ**

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – “НКМК” АЖ) томонидан “Ёш мутахассисларни танлаш” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) Олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ) битирувчи курсида ўқиётган қобилиятли ёшларни саралаб олиш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш ва кейинчалик захирага киритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутди.

**Дастур мақсади** – “НКМК” АЖ бўлинмаларига энг муносиб кадрларни танлаш ва истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда ОТМ битирувчиларини ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига жалб қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Дастур вазифалари:**

олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш;

энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни селекция қилиш;

номзодларни жамият бўлинмаларига стажировка ўташ учун йўналтириш ҳамда “устоз-шогирд анъанаси” асосида тажрибали устоз-менторларга бириктириш;

стажировкани муваффақиятли яқунлаган битирувчиларни танлов (сухбат) асосида жамият бўлинмаларига ишга қабул қилиш.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Дастурда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Олий таълим муассасаси** – бакалавриат таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминловчи давлат таълим муассасаси;

**битирувчи** – ОТМ кундузги шаклининг бакалавриат босқичи битирув курс талабалари;

**Жамият бўлинмаларида стажировка ўташ** – ёш мутахассисларни тайёрлаш, касбий фаолият маъсулиятини ҳис этиш ва тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганиш орқали ОТМда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш жараёни.

**малака талаблари** – маълум бир лавозимга стажёр бўлиш учун номзодларга нисбатан жамият томонидан белгиланадиган тегишли маълумот,



шунингдек билим ва касбий компетенциясига қўйилган талаблар;

**стажировка раҳбари** – жамият бўлинмаларидаги стажировка жараёнини мувофиқлаштириш масъулияти юкланган раҳбар ходими.

**устоз-ментор** – стажировка ўтаётган битирувчиларга фаолиятида “устоз-шогирд” аъъанаси асосида зарур ташкилий кўрсатмалар берувчи, уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таништирувчи, амалий кўникма ва малакаларни ўргатувчи, стажировка даврида талаба эгаллаган кўникмаларни баҳолаш юкланган тажрибали жамият бўлинмасининг муҳандис-техник лавозимида ишловчи ходими.

**шахсий ривожланиш режаси** – битирувчининг жамият бўлинмарида стажировкаси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар муддатлар кесимида акс эттириладиган ҳужжат.

**кадрлар захираси** – жамият бўлинмаларидаги лавозимларни салоҳиятли, ёш кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган, юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

## **2-боб. Танлов ўтказиш тартиби**

2. “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” 2-иловадаги дастурни амалга ошириш схемаси бўйича тегишли босқичларда ва белгиланган муддатларда амалга оширилади.

3. “НКМК” АЖнинг расмий веб-саҳифаларида “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича стажировка танлови ҳақида эълон берилади ва тарғибот ташвиқот ишлари амалга оширилади.

4. Номзодлардан стажировка танловида иштирок этиш учун аризалар онлайн шаклда қабул қилинади.

5. Белгиланган малака талабларига мувофиқ ариза эгаларига саралаш босқичида иштирок этишга йўлланма юборилади.

6. Номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ишлаб чиқариш жараёнлари, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, ахборот технологиялари бўйича билим даражасини аниқлаш учун жамият томонидан ташкил этиладиган махсус тест синовидан ўтадилар.

7. Тест босқичи “НКМК” АЖ билан ҳамкорлик қилаётган Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетининг (кейинги ўринларда – НДКТУ) махсус компьютер хоналарида ўтказилади.

8. Тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар *(71 фоиздан юқори)* тегишли жамият бўлинмаларида тузилган махсус комиссия томонидан суҳбат ва амалий машғулотдан ўтказилади.

9. Номзодлар кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ жадвал бўйича баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага қабул қилиш ҳақида жамият буйруғи чиқарилади.



10. Стажировка жараёнини намунали яқунлаган ёш мутахассислар стажировка ўтаган жамият бўлинмаларининг кадрлар захирасига киритилади.

### **3-боб. Стажировкани ташкил этиш қоидалари**

11. Стажировка танловлардан муваффақиятли ўтган битирувчи билан тузиладиган стажировка шартномаси асосида ташкил қилинади.

12. Мазур шартномада стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қабул қилувчи ташкилотнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда стажировкани ўташ тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш асослари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилади.

13. Стажировка уч ойдан кам бўлмаган ҳамда бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

14. **Жамиятнинг Кадрлар Бошқармаси** Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштиради. Стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўради. Хусусан:

комбинатнинг тегишли бўлинмаларига дастур ва илова ҳужжатларни тақдим этади;

комбинат бўлинмаларида дастур асосида ўз дастурларини ишлаб чиқиши ва танлов эълон қилишини назорат қилади;

танлов жараёнларини белгиланган мезонлар асосида шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлайди;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўникмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлайди;

битирувчиларни стажировка даврида фаолият олиб бориши учун ташкилот раҳбарининг буйруғини чиқаради;

стажировка дастурига мувофиқ битирувчиларга жорий қилинадиган шарт-шароитлар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари бошқалар)ни яратади;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

стажировкага жалб қилинган талабалар маълумотларини умумлаштиради;

дастурни амалга ошириш схемаси бўйича барча босқичлардаги чоратадбирларни мувофиқлаштиради;

стажировка яқунлари бўйича келиб тушган ҳисобот ва таклифларини умумлаштиради.



ташкilotнинг ички меҳнат интизомини бузган стажёр билан тузилган стажировка шартномасини белгиланган тартибда бекор қилади;

битирувчи стажировкани ўташ даврида бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик ҳужжатлари асосида кўриб чиқади.

**15. Стажировка раҳбари** жамият бўлинмаларида стажировка ўтаётган барча битирувчиларга раҳбарлик қилади.

Унинг вазифалари:

жамият бўлинмалари бўйича талабаларни тақсимлайди, объектнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

стажёрлар билан бўлинма раҳбарларининг учрашувини ташкил этади.

**16. Устоз-ментор** сифатида камида уч йиллик тажрибага эга, меҳнат жамоасида обрў-эътиборли муҳандис-техник лавозимларда ишловчи “устоз-шогирд” анъанаси асосида кўпи билан икки нафар битирувчига бириктирилиши мумкин. Унинг вазифалари:

стажёрларга иш фаолияти ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш, шунингдек қабул қилувчи ташкilotнинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатади;

стажировка дастурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўргатади;

стажёр иш кунининг белгиланган давомийлигига ва стажернинг шахсий иш режасига риоя этилишини назорат қилади;

**17. Жамият ёшлар етакчилари Кенгаши:**

стажировка ўташда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан мониторингни амалга оширади;

танлов жараёнларини белгиланган мезонлар асосида шаффоф ва адолатли ўтишини ўрганиб боради;

стажировка дастурига мувофиқ битирувчиларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиб боради;

стажировка яқунлари бўйича ҳисобот (тақдимот) жараёнларида иштирок этади.

**18. Стажёр жамият бўлинмаларида стажировка ўташда:**

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

стажировка шартномаси билан юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш;

стажёрнинг шахсий иш-режасида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;



стажировка ўташ тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиши;  
фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириши;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

#### **4-боб. Стажировкани ўташ тартиби**

19. Стажировка уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

20. Стажировка тайёрлов босқичининг биринчи кунда стажировка раҳбари томонидан йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда талабалар стажировкани ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, стажировкани ўташ ва ҳисобот шаклини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

21. Стажировка ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда стажировка раҳбари ва бириктирилган устоз-ментор билан биргаликда стажировкани ўташ дастури, шахсий иш режа жадвалини тузадилар.

22. Стажировканинг асосий босқичида битирувчи бевосита стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича Шахсий иш режада кўрсатиб ўтилган ишларни бажаради.

23. Стажировка якунлари бўйича ҳисоботни топшириш сўнгги босқич ҳисобланади. Белгиланган тартибдаги ҳисобот-тақдимот стажировка раҳбари, устоз-ментор ва бўлинмадаги ёшлар бошланғич ташкилот етакчиси томонидан баҳоланиб тасдиқланади.

24. Стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчилар жамият бўлинмалари раҳбарияти ҳамда Ёшлар етакчилари Кенгаши ва унинг бўлинмалардаги бошланғич ташкилот етакчилари томонидан тасдиқланган сертификат билан тақдирланади. Мазкур сертификат асосида битирувчиларни жамиятга ишга қабул қилишда имтиёз назарда тутилади.

#### **6-боб. Ишга қабул қилиш**

25. Жамият бўлинмалари томонидан ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиққан ҳолда, ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхати шакллантирилади.

26. Рўйхатдаги лавозимлар учун битирувчиларга алоҳида малака талаблари ишлаб чиқилади.

27. Дастур асосида Стажировкани муваффақиятли тамомлаган, сертификатга эга битирувчилар бўлинмалардаги “НКМК” АЖ Бош директорининг 2022 йил 11 мартдаги 192-сонли буйруғи билан тасдиқланган махсус комиссия томонидан ўтказиладиган танлов асосида ишга қабул қилинади.

#### **7-боб. Яқуний қоида**

28. Мазкур Дастур бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.



**Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Масуъллар</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Муддатлар</b>
1-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари	Бўлинмалар томонидан тақдим этилган талабнома асосида ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиққан ҳолда, стажёрларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар (моддий техника)ни яратиш	Ҳар йили октябрь ойида
2-босқич	“НКМК” АЖ Кадрлар бошқармаси Кадрлар тайёрлаш бўлими, НДКТУ	Дастур доирасида НДКТУ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	Ҳар йили октябрь ойида
3-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари, АКТЬ, комплаенс хизмати, Кадрлар бошқармаси Кадрлар тайёрлаш бўлими	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ҳамда давлат тили ва АКТ бўйича тест саволлар базасини яратиш	Ҳар йили ноябрь ойида
4-босқич	“НКМК” АЖ матбуот хизмати, маънавият ва маърифат маркази	Расмий веб-сайтлар, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича танлов эълон қилиш ҳамда ОТМларда тарғиботини ташкил қилиш	Ҳар йили октябрь ойининг 2-ярми
5-босқич	НКМК” АЖ Кадрлар бошқармаси Кадрлар тайёрлаш бўлими,	“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича эълон қилинган танлов бўйича келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш	Ҳар йили ноябрь ойида

6-босқич	“НКМК” АЖ Кадрлар бoшқармаси Кадрлар тaйёрлaш бўлими НДКТУ	Номзодларнинг билим даражасини аниқлаш учун тест синовидан ўтказиш	Ҳар йили ноябрь ойининг 1-ярми
7-босқич	“НКМК” АЖ махсус комиссияси	Тест босқичидан муваффақиятли (71 фоиздан юқори) ўтган битирувчиларни жамиятда ташкил этилган махсус комиссия томонидан танловдан ўтказиш	Ҳар йили ноябрь ойининг 2-ярми
8-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари, НДКТУ	Сухбатдан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага жалб этиш, устоз-ментор бириктириш, Стажировка ўташ шартномаси ва Шахсий ривожланиш режасини имзолаш	Ҳар йили декабрь ойида
9-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари	Устоз-ментор томонидан стажёр фаолиятини кузатиб бориш асосида унинг билими, кўникмалари ва амалий тажрибаси ошишига кўмаклашиш	Ҳар йили декабрь-июль ойларида
10-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари	Стажировка фаолияти яқунлари бўйича стажёр тақдимотини баҳолаш ва муваффақиятли тамомлаган стажёрларга сертификат бериш	Ҳар йили июль ойида
11-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари	Сертификатга эга битирувчилар орасидан танлов (сухбат) асосида ишга қабул қилиш	Ҳар йили август ойида
12-босқич	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмалари	Стажировка яқунлари ва давлат хизматига қабул натижалари бўйича “Ёш мутахассисларни танлаш дастури”ни такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифларни шакллантириш	Ҳар йили август ойида



**Ёш мутахассисларни танлаш дастури бўйича номзодлар кўрсаткичларини баҳолаш  
ЖАДВАЛИ**

№	ФИШ	Олий таълим муассасаси	Мутахассислик	Курси	Рейтинг баҳоси 20 балл	Тест 30	Сухбат 20 балл	Амалий машғулот 20 балл	Тил билиши (сертификат ига эгаллик) 10 балл	ЖАМИ
1.	Эшмаматов Тўхтасин Шожалил ўғли	Навоний давлат кончилик ва технологиялар университети	Кончилик иши	4	17.4	20	15	10	10	72,4
2.	.....	.....	.....	....	...					

**Изоҳ:**

- “Фанларни баҳолаш” сўнгги семестр натижаларига кўра фанлардан олинган баҳолари 20 баллдан фоиз олиш билан ҳисобланади.  
(масалан, ўртача рейтинг кўрсаткичи 87 бўлса.  $20 \times 0.87 = 17.4$ )